



CHATHAM HOUSE

The Royal Institute of International Affairs

БУЮК БРИТАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДАГИ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Буюк Британиянинг Chatham House таҳлилий маркази халқаро муносабатлар бўйича иш олиб боради. 1920 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган марказнинг International Affairs ва World Review журналлари чоп этилади. Яқинда мазкур марказнинг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаолияти ҳақидаги таҳлил натижалари эълон қилинди. Уни бироз қисқартириб, эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«2016 йилда давлат бошқарувида келган Шавкат Мирзиёев ҳеч иккиланмай ҳукумат таркибида кескин ўзгаришлар ясади.

Катта ислохотларни бошлаган Шавкат Мирзиёев биринчи навбатда бу йўлда турган ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлаш кераклигини англаб етди. Ўзи истаган ўзгаришларга эришиш мақсадида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моделини қайта ишлаб чиқди.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, ислохотлар Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсатида ҳам яққол кўзга ташлана бошлади. Ўзбекистон биринчи навбатда ўзининг яқин қўшнилари билан музокаралар ўтказди ва улар билан иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлади.

Шавкат Мирзиёев минтақадаги асосий ташқи кучлар билан ҳам алоқаларни қайта қўриб чиқди — Россия, Хитой ва АҚШ билан муносабатларда бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон раҳбари ўзининг Москва, Пекин ва Вашингтонга қилган сафари вақтида ўша давлатлардаги компаниялар билан кўпмиллиардлик инвестициявий келишувларга эришди. Ўз навбатида ички ислохотларга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Бугунги кунга келиб Шавкат Мирзиёев ўзи истаган йўлдан дадил бормоқда. Бошлаган ислохотларини амалга ошириш йўлидаги тўсиқлар энди йўқ. У Ўзбекистонни модернизация қилиш бўйича олиб бораётган ишларини бемалол давом эттириши ва ўзи истаган даражага олиб чиқиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Ҳар қандай президент давлат бошқарувида келар экан, у ўз гоёларига содиқлигини кўрсата олиши ва жамоатчилик эътиборини қозониши зарур. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев аини пайтда бу ишни уддаламоқда».

Темур АБЗАМ тайёрлади.

ЗИЁ, ИЛМ ВА МАЪРИФАТ БАЙРАМИ



КИТОБ — ИНСОНИАТНИНГ ЭНГ МУҲИМ КАШФИЁТИ

Бу кашфиёт келажакда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмайди

24-25 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят марказларида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қатор вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Китобхонлик маданиятини юксалтириш — буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим қадамидир» шiori остида анъанавий республика китоб байрами ўтказилди. Пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчаси ҳам китобсеварлар билан гавжум бўлди.

Сайилгоҳ жажжи болажонлар, ўқувчи ва талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар, бобожону бувижонлар билан тўла. Ҳатто хорижлик сайёҳлар ҳам бири биридан чиройли, юқори сифатли рангли китобларни катта қизиқиш билан томоша қиляпти.

Китоб байрамида ЎзДПнинг бир гуруҳ фаоллари ҳам иштирок этишди.

Давоми 4-бетда.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2018»

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Пойтахтимизда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида «Ёш сиёсатчи — 2018» кўрик-танловининг Олмазор туман босқичи ўтказилди.

Бу танловда биринчи марта ҳакамлик қилишим, — деди халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашидаги ЎзДП гуруҳи аъзоси Лола Мусақонова. — Рост, ёшларнинг танловга қизиқишини, билимга чанқоқ ва изланувчанлигини кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Олий нафар қатнашчи уч шарт асосида маҳоратларини синовдан ўтказди. Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, Бекзод Мустафоев биринчи, Оллаберган Асқаров иккинчи, Абдор Худойназаров учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, танлов иштирокчилари турли номинациялар бўйича ҳам тақдирланди.

— Танловда ўтган йил ҳам қатнашганим, — деди танлов ғолиби Бекзод Мустафоев. — Тошкент шаҳар босқичида



иккинчи ўринни қўлга киритган эдим. Лойиҳам кўзи оғир ва заиф кўрувчиларни инклюзив касб-хунарга йўналтиришга қаратилган. Гап шундаки, кўзи оғир ўқувчилар ахборот технологияларидан фойдаланишлари учун махсус дастур мавжуд. У иктисослашган мактаб-интернат ва касб-хунара коллежларидаги компьютерларга ўрнатилган. Олий таълим муассасаларида ҳам кўзи оғир талабалар ўқийди. Улар ҳам бу дастурдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Устига-устак, дастурнинг ўзбек тилидаги муқобили ҳали-ҳануз ишлаб чиқилмаган. Лойиҳамда мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўз муҳбиримиз.

ЎЗДП: ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ МУАММОЛАР

оз эмаслигини Сурхондарё вилоятидаги ўрганиш натижалари кўрсатди

Аксарият ташкилотлар ҳуқуқий ҳужжат ва партиявий қўлланмалар билан таъминланмаган. Газеталар таҳамлари ташкил этилмаган. Жиҳоз ва техникалар эскирган. Замонавий технологиялардан фойдаланиш даражаси ҳам паст.


2

«МЕНДА ТАКЛИФ БОРИ» ТУРИЗМ — ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ СОҲА

Бугун туризмга мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, бу соҳада биз катта имкониятларга эгамиз.

Масалан, биргина Самарқанд вилояти ва шаҳрини олайлик. Худудда 1105 археологик, 670 меъморий, 18 монументал, 21 мемориал — жами 1851 та моддий-маданий мерос объектлари ҳамда 37 та диққатга сазовар жой мавжуд. Самарқанд шаҳрининг тарихий қисми 2011 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига «Самарқанд — маданиятлар қорраҳаси» номи билан киритилган ва муҳофазага олинган.

Ҳозирги кунда вилоятда туристик хизматлар билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган 85 туристик фирма, 107 меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Улар бир вақтнинг ўзида 4500 га яқин сайёҳга хизмат кўрсатади. Яқин йилларда юртимизга келадиган сайёҳлар



сонининг кескин ошиши Самарқанд вилоятида ҳам туристларга хизмат қиладиган инфратузилмалар фаолиятини тубдан яхшилашни тақозо этади. Биргина меҳмонхоналар сони 2023 йилга бориб 214 тага етиши лозим бўлади.

Бир маълумотга эътибор қаратайлик, шу йилнинг 10 февралидан айрим давлатлардан келадиган туристларга мамлакатимизда 30 кунгача визасиз бўлишга руҳсат берилгани туфайли юртимизга келувчи хорижликлар оқими кескин кўпаймоқда. 2018 йилнинг 22 февраль куни туризмга бағишланган йиғилишда қайд этилишича, 30 кунгача виза олиш бекор қилинганidan кейин икки кун ичида Исроиладан Ўзбекистонга келиш учун июнь ойигача бўлган авиачипталар сотиб бўлинган.

Гап соҳанинг истиқболи ҳақида борар экан, яна бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, туризм самарадорлигини оширишнинг яна бир йўли сайёҳларнинг мамлакатимизда бўлиш муддатини узайтириш чора-тадбирларини қўришдан иборатдир. Бунинг учун хизмат турларини сайёҳларнинг талаб ва истагидан келиб чиққан ҳолда диверсификация қилиш лозим.

Иккинчидан, туризм инфратузилмасини замон талабидан келиб чиқиб яхшилаш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сифатли хизмат кўрсатадиган хусусий меҳмонхоналар сонини кескин кўпайтириш зарур.

Учинчидан, сайёҳлар ташриф буюрадиган масканларда ва автомагистраль йўллар бўйида барча талабларга жавоб берадиган замонавий санитария-гигиена шохобчаларини кўпайтириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилиши керак. Мусулмон оламиндан келадиган туристларга қўлайликлар яратиш учун автомагистраль йўллар ёқасида барча талабларга жавоб берадиган намозхоналар ва намоз олди амалларини бажариш учун шароитлар ташкил этилиши ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Тўртинчидан, тарихий масканлар, меъморий обидалар, зиёратгоҳларга кириш тизимини такомиллаштириш, «САМАРТ технология»-сидан фойдаланиб, турникетлар, видеокамералар ва йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, ахборот марказлари ташкил этиб, уларда туристларни қизиқтирувчи барча хизматларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, валюта тушумини кўпайтириш мақсадида туристларга янги хизмат турларини кўпайтириш билан бирга, турли товарлар ва маҳсулотлар савдосини ташкил этиш, бунда миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари, сувенирлар ишлаб чиқариш ва уларни туристлар дам оладиган жойларда махсус дўконларда сотиш, аэропортларда фаолият юратадиган «Дьюти-фри», «Такс-фри» тизимидаги савдо шохобчаларини йирик шаҳарларда ҳам очиш, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда автомобиль ижараси марказлари ва Wi-Fi зоналар барпо этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир мулоҳаза: меҳмонхоналардаги ресторанлар овқатларининг ҳалоллигини тасдиқловчи сертификатларга эга бўлиши зарур. Айрим мамлакатларда нон ўрнига гуруч ишлатилишини инobatга олиб, ушбу масалаларга ҳам эътибор қаратилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
профессори, иқтисод фанлари доктори,
Жаҳонгир АБИЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ўқитувчиси.

«МЕН ЎЙНАГАН ЎЙИНЧОҚНИ СЕН ҲАМ ЎЙНАГИН!»



Жоникбек ҚОЗИМҲАМРАЕВ (ЎзД) олган сурат

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан «Мен ўйнаган ўйинчоқни сен ҳам ўйнагин!» мавзuida хайрия акцияси ташкил этилди.

Унда Термиз шаҳридаги 11-умумтаълим мактаби ўқувчилари ўзларининг болаликда ўйнаган ўйинчоқларини Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совға қилди. Меҳр-муруватга йўғрилган ушбу тадбир ёшлар қалбида инсонпарварлик, бағрикенглик ва саховатпешалик фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади.

ҚОНУН ВА ШАРҚ

Демократик давлат ва ҳуқуқий жамият ҳақида сўз кетганда, биринчи галда парламент, вакиллик ҳокимиятини тасаввур қиламиз. Уларнинг таъсир кучини оширмасдан, катта ўзгаришларга умид қилиш қийин.

ЭНДИ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ

ташқи алоқаларда фаол иштирок этади

Шунинг учун жорий йилнинг апрель ойида бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги қонунлар бунга мисол бўла олади.

Ўзгаришларга қўра, партия гуруҳлари аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда ваколатлари кенгайтирилди. Сайловчилар олдидаги масъулияти оширилди. Хусусан, депутатлар ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан тақдирлар киритиш ҳуқуқига эга бўлди. Туман (шаҳар) ҳокимининг, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Жўқорғи Кенгесга, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимиға хулоса тақдим этиши мумкин бўлди. Эндиликда халқ вакиллари сайловчилар ишончини оқлаш билан бирга, унн депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги мажбуриятларини бажариши зарур. Акс ҳолда, тақдимнома асосида депутат қақриб олиниши, яъни, ваколатларини худдатидан олдин тўхтатилиши мумкин. Ушбу тартиб Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Шу билан бирга, хориж парламенти билан муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган меъёрлар ҳам жорий этилди. Яъни, қонунчиликда парламентлараро гуруҳлар ва комиссиялар тузиш тартиби белгиланди. Парламентаризм ривожининг бугунги замонавий босқичида ташқи сиёсат соҳасида депутатлар ҳам фаол иштирок этиши



Зарур. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Феруза Эшматова бу ҳақда қуйидагича фикр билдирди:

— Парламент аъзолари ташқи сиёсат соҳасида халқро шартномаларни ратификация ҳамда денонсация қилиш, дипломатик ва халқаро ташкилотларга вакиллари лавозимга тасдиқлаш жараёнида иштирок этади.

Ташқи алоқаларни ривожлантиришда парламент ролини кучайтириш, мамлакатимизнинг халқро имиджини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Шу масалада ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш устувор вазифа бўлиб, янгича ёндашувни талаб этади.

Парламентлараро ҳамкорлик халқро амалиётда одатда парламентлараро гуруҳлар, парламентлараро комиссиялар, ишчи гуруҳлар ва бошқа давлатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича турли тузилмаларни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Маълумки, хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар ташкил этилган. Ўз навбатида, 40 га яқин хорижий мамлакатлар парламентларида мам-

лакатимиз парламенти билан ҳамкорлик бўйича турли шаклдаги тузилмалар ҳам фаолият юритмоқда. Улар тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш учун ташкил этилган бўлиб, парламентлар аъзоларини бирлаштиради.

Олий Мажлис парламентлараро гуруҳлари таркибига 90 нафардан ортиқ парламент аъзолари, хорижий парламентлараро гуруҳлар таркибига 230 дан зиёд парламентарийлар кирган. Мазкур гуруҳлар фаолияти доирасида Буюк Британия, Италия, Канада ва Латвия парламентлари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

2017 йил октябрь ойидан Ўзбекистон ўзининг Парламентлараро иттифоқда аъзолигини тиклади ва унинг сессияларида парламентимиз аъзолари фаол иштирок этиб келишмоқда.

Миллий қонунчилигимиз атрофлича таҳлил қилинди. Парламент аъзоларининг фаоллигини ошириш учун қонунчиликни яхшилаш зарурлиги аён бўлди. Парламентлараро гуруҳларни тузиш, улар фаолияти, расмий парламент делегацияларини ташкил этиш масалаларини тартибга солиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламенти тўғрисида»ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унда ҳамкорлик, бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича бошқа тузилмаларни ташкил этиш масалалари такомиллаштирилди. Шунингдек, хорижа юборилаётган расмий парламент делегацияларини ташкил этиш тартиби белгиланди.

Бу янгиликлар парламентимиз аъзоларининг фаоллиги ҳамда масъулиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«УЙИМИЗГА ҲОКИМНИНГ

Сектордаги савобли ишлар натижасида

Зилолани билмайсиз, танимайсиз. У ким деб қизиқаяпсизми? Ҳозирча уни ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада яхши танишади, «чевар қиз» деб айта бошлашганига анча бўлди...

Келинг, уни сизга таништирамиз: Зилола Ёқубова Хоразм вилояти, Питнак шаҳрининг Аҳмаджон Иброҳимов номли маҳалласида яшайди. Зилоланинг «тикувчилик тарихи» ҳақида яхшиси онаси Раъно Болтаевадан эшитайлик:



— Бу бўлаётган ишлардан, давлатимизнинг фуқароларга қайишишидан миннатдор бўлаётган минглаб оналардан бири сифатида айтаманки, Президентимиз томонидан аҳоли истиқомат қилаётган барча ҳудудларда секторлар ташкил қилингани, бу секторларга масъуллар тайинлангани ҳар қандай муаммо ўз ўрнида, ўз вақтида хал этилишига имкон бермоқда. Қизим Зилола қўлида гулдек ҳўнари бўлса-да, ногиронлиги боис, бекорчи эди. Тўғриси, тикув машинаси харид қилишга қўлимиз капталиқ қилаётганимиз. Секторлар очилган, ташкил қилинган ишбага бориб, шу масалани ўртага қўйдим. Бизнинг оиламиз имкони, қизимизнинг аҳволи ва қизиқишини ўрганишди, сўнгра қисқа фурсатда замонавий тикув машинаси олиб келиб беришди. Қизимнинг қувонганини айтмайсизми? Энди унинг ҳам ўз иши бор.

Ўтган йил август ойида барча ҳудудларда бевосита масъул раҳбарлар бйриктирилган секторлар ташкил қилингани йиғилиб қолган муаммоларни аниқлаш, юзага чиқариш ва тезкор ечимини топишда самарали тизим бўлди. Бир сўз билан айтганда, Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қила бошлади.

...Питнак шаҳри ва унга ёндош маҳаллалар, яъни биз ҳўқоя қилаётган секторда салкам юз минг нафар фуқаро истиқомат қилади. Вилоят марказидан саксон километр узоқликда жойлашган ҳудудда аҳоли бандлиги масаласи катта муаммо ҳисобланарди. Сўнгги йилларда бу ерда «Хоразм шакар», «GM Uzbekistan» АЖ Хоразм филиали иш бошлаб, бу корхоналарда уч мингдан зиёд киши муқим иш билан таъминланди. Президентимиз фармони билан «Хазорасп» эркин иқтисодий зонаси таркибига кирувчи аксар корхоналар ҳам айнан шу ҳудудда бунёд этилмоқда. Янгидан-янги иш ўринлари ташкил қилиниши аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган омилдир.

Ҳазорасп тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ўқтамбой Қурбонов раҳбар бўлган мазкур секторда қисқа фурсатда барча хонадонлар уйма-уй юриб, ўрганилди. Аниқланган аксар муаммолар жойида, тезкор ҳал қилинди, айримлари тегишлилиги бўйича вилоят ва республика

масъул идораларига ахборот сифатида тақдим қилинди.

Ўрганиш давомида кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оилалар, фуқаролар борлиги аниқланиб, уларга тезкор тарзда моддий ёрдам беришгани эътиборли. Яхшиси, бу ҳақда одамларнинг ўзлари айтсин:

Омонғўзал СОТҚИЛИЧЕВА,
Тупроққалъа қишлоғида истиқомат қилади:

— Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оиламиз. Топганим бола-чақа овқати, уст-бошидан ортмайди. Қўлимиз капталиқдан табиий газ ва электр энергияга вақтида пул тўлолмайдим. Шунинг учун бизнинг хонадонимиз тармоқдан узиб қўйилганди. Моддий аҳволимиз ўрганилиб, барча қарздорликлар бартараф этилди. Уйимизга қайтадан электр тармоғи ва табиий газ уланди. Шунингдек, уйимизнинг кадастр ҳужжатлари ҳам расмийлаштирилиб берилди. Олдинлар бундай муаммони ҳал этиш учун ҳокимликка боришинг, илтимос қилишинг керак бўларди. Сенага ҳар доим ҳам ишонаверишмасди. Эндичи? Ҳокимиятга боришинг ҳўжати йўқ, ҳокимнинг ўзи бизни йўқлаб келди. Аҳволимиз билан танишиб, барча

бўлими, бандликка қўмаклашиш маркази, тиббиёт бирлашмаси, «Нуроний» жағгармаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши каби қатор ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ҳокимлик ташаббуси билан яқинда кенгашимиз тасарруфидаги 4 хона таъмирлаб берилди. Одамларга нафимиз тегиши зарур. Шунда электростанция вакиллари биздан хурсанд бўлади.

— Қўйи бўғиндаги муаммоларни бартараф қилиш ҳақиқатан ҳам ўз ҳўлига ташлаб қўйилган экан, — дейди Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Мавжуда Ҳасанова. — Бунн алоҳида эътиборга олган ҳолда, ҳар ҳафтанинг пайшанба куни «Бошланғич партия ташкилотлари куни», деб эълон қилинди. Жарқўрғон ва Музработ туман партия кенгашлари фаолияти Термиз шаҳри, Бойсуи туманига оммалаштириладиған бўлди. Жарқўрғон туманида «Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш — давр талаби» мавзуда ўқув-семинар ташкил қилмоқчимиз. Партиянинг куч-қудрати бошланғич партия ташкилотлариға боғлиқ. Шунинг учун йиллар давомида тўпланган муаммоларни қисқа фурсатда бартараф қилишга келишиб олдик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ МУАММОЛАР

оз эмаслигини Сурхондарё вилоятидаги ўрганиш натижалари кўрсатди

Сурхондарё вилоятида 37 минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган 668 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий кучнинг суянчи ва таянчи бўлган қўйи бўғиндаги ишлар бугунги кун талабига жавоб берадими? Бошланғич ташкилотларда ҳақиқий ҳолат қандай?

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори томонидан мазкур масала атрофлича ўрганилди.

— Туман ва шаҳарлар партия кенгашлари ҳамда 30 га яқин бошланғич партия ташкилотларида бўлдиқ, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири Акмал Турсунбоев. — Жарқўрғон, Музработ, Денов туманлари ва Термиз шаҳар партия ташкилотларида муайян ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдиқ. Аммо

барча ҳудудлар ҳақида ҳам ижобий фикр билдиришмаймиз. Масалан, Узун, Сарносие, Қизирик, Шеробод ва бошқа туманларда қўллаб қамчиликлар борлиги аниқланди. Мавжуд 668 бошланғич партия ташкилотининг 20-25 фоизи партия кенгашлари билан алоқани буткул узган. Узун туман тиббиёт бирлашмаси, Сарносие туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини,

Шеробод туманидаги 6-сонли мактаб-интернатдаги бошланғич партия ташкилотлари фаолияти бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Аксарият ташкилотлар ҳуқуқий ҳужжат ва партиявий қўлланмалар билан таъминланмаган. Газеталар тахламлари ташкил этилмаган. Жиҳоз ва техникалар эскирган. Замонавий технологиялардан фойдаланиш даражаси ҳам паст.

Камчиликларни бартараф қилиш учун аҳволни танқидий-таҳлилий ўрганиш талаб қилинади. Ҳужжат-



ларни тўғри юритиш ва уларни сақлашга эътибор керак. Сафларимизни фаол ва ташаббускор ёшлар билан тўлдириш ҳам устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Қарийб бир ҳафта давом этган ўрганишлардан кейин Термиз шаҳрида семинар ташкил қилинди. Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган тадбирда камчиликларга йўл қўйгани учун Ўзбекистон ХДП Қизирик, Бойсуи, Шўрчи туман кенгашлари раислари огоҳлантирилган бўлса, Шеробод туман кенгаши раиси ўз лавозимидан озод этилди.

Камчиликларни бартараф қилиш учун аҳволни танқидий-таҳлилий ўрганиш талаб қилинади. Ҳужжатларни тўғри юритиш ва уларни сақлашга эътибор керак. Сафларимизни фаол ва ташаббускор ёшлар билан тўлдириш ҳам устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

ЎЗИ КЕЛДИ

Зилола моҳир тикувчи бўлди-қўйди



муаммомизни тезда ҳал қилиб берди. Яна бирор муаммо туғилиб қолса, сектор штабига исталган вақтда мурожаат қилишимизни айтиб, телефон рақамларини қолдирди. Штабда фуқаролар дардини тинглайдиган навбатчи ходим ҳамма вақт бўларкан...

бўлиб қолдик. Сектор раҳбари муаммомизни ўрганиб, бизларга ёрдам қўлини чўзди. Қизимни давлатиши учун олти миллион сўм моддий ёрдам ажратилди. Республика касаба уюшмаси кўмитаси уйимизни таъмирлаш учун ўн миллион сўм маблағ берди.

Биринчи гуруҳ ногирониман. Яшаш шароитимиз ҳам ҳаминқадар эди, турар жойга муҳтожмиз. Янги уй қурайлик, десак, иқтисодимиз кўтармайди.

Сектор раҳбари аҳволимизни ўрганиб, бизларга шаҳарнинг «Навбахор» маҳалласидан икки хонали уй берди. Мана, бўларкан-ку! Бу борада неча идораларга мурожаат қилгандим...

Яшаш шароитимиз ҳам ҳаминқадар эди, турар жойга муҳтожмиз. Янги уй қурайлик, десак, иқтисодимиз кўтармайди. Сектор раҳбари аҳволимизни ўрганиб, бизларга шаҳарнинг «Навбахор» маҳалласидан икки хонали уй берди. Мана, бўларкан-ку! Бу борада неча идораларга мурожаат қилгандим...

Наргиза ХУЖАНАЗАРОВА,
Саноат қишлоғи, «Оталик» маҳалласи:
— Бахтсиз тасодиф туфайли уйимиз буткул ёниб кетди. Тўғри, кўчада қолмадик, яқинларимиз вақтинча бошпана беришди. Аммо уйни қайтадан қуришга қўлимиз калталиқ қиларди. Сектор раҳбари аҳволимиздан хабар топиб, биздан кўнгли сўради. Уйни қайта таъмирлаш учун қурилиш материаллари берилди.

Бундай миннатдорликни Овшар қишлоғи, «Овшар» маҳалласида яшовчи Қувондиқ Рўзиев ҳам билдирди. Унинг қизи Шаҳнозага давлатиши учун ўн беш миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилган. Питнак шаҳрида яшовчи Манзура Рўзиевага 16 миллион сўм, шаҳарнинг «Муҳаббат» маҳалласида яшовчи Эгамберди Авезовга қизи Розани давлатиши учун 7 миллион сўм, Мухомон қишлоғи, «Шехёп-Мутпири» маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳакимжон Рўзиевнинг қизи Чаросхонга давлатиши учун ўн миллион сўм берилган...

Рўйхат узундан-узун. Сектор раҳбарининг амалдаги йил биринчи чорагида фуқаролар муаммоларини ўрганиш, ҳал қилиш бўйича бажарган ишлари юзасидан юқори ташкилотга тақдим қилинган ҳисоботиди: «Уйма-уй юриш санаси», «Аниқланган муаммолар» ва «Муаммони бартараф этиш учун қўрилган чора-тадбирлар» устуналари бор. Тартиб рақамларида аниқ манзилдаги аниқ фуқаронинг исми шарифи, муаммоси ва қўрилган тезкор чора, беришган моддий ёрдам миқдори кўрсатилган.

...Секторларда ишлар тизимли давом этмоқда. Штаблар кеча-кундуз ишлаб турибди. Эндиликда бу ерга муҳтож фуқаролар қўлини чўзиб келишмаяпти, аксинча уларга ёрдам қўли узатишмоқда.

Аммо бу ишлар зимирида секторларда ишлайётганларнинг фидойилиги, ҳаловат билмаслиги ётибди.

...Ҳа, дарвоқе, Зилоланинг қўли бир зум ишдан бўлмади. Яп-янги тикув машинасида бир-бирини бежирим либослар тикмоқда.

Рўзиев ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар:

ТЎСИҚЛАР ОЛИБ ТАШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Президент ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилмоқда.

Мазкур Кенгаш эндиликда ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқади. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганади.

2018 йил 1 июндан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган билан ННТларнинг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш билан алмаштирилади.

Шунингдек, ННТнинг ҳисоб варақларига чет давлатлардан, халқаро ва ҳорижий ташкилотлардан, чет эл фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан уларнинг низоомларида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилган сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади. Илгари ННТнинг ҳисоб варақларига четдан келатган маблағлари мажбурий тарзда Молия вазирлиги тизими орқали келиб

тушар, бу эса ўз навбатида ННТ вакилини вақтини олиши ёки маълум бир сўнғий тўсиқлар қўйилиши билан маблағ ўз вақтида тушмас эди. Эндиликда ушбу овозгарчиликнинг олди олиниши ННТлар томонидан лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш имконини беради.

Жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, вазийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган музофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги белгиланди.

ННТларнинг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўла-наҳис ҳам фармон билан белгиланган бўлади.

Бугунги кунда ННТларнинг энг долзарб муаммоларидан бири бу жой масаласидир. Кўп йиллардан бери ҳал этилмай келинган мазкур муаммо ҳам эндиликда ўз ечимини топти.

Йил сўнгига қадар бутун республикада бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари

негизда Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари ташкил этилади. Бу эса фуқаролик жамияти институтлари вакиллари янада шижоат билан ишлашига катта туртки беради.

ННТлар фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларни қайта кўриб чиқиш ва сезиларли даражада қисқартириш режалаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳузурида фуқаролик жамияти институти вакиллари қўллаб-қувватлаш фондлари ташкил этилади. Мазкур фондлар ҳудудлардаги ННТ вакиллари учун ижтимоий буюртма ва грант танловларини эълон қилади. Бу эса муҳим қўлайликдир.

ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилган диган давлат бож миқдори 5 бараварга, уларнинг раъзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилган диган йиғимлар миқдори 2,5 бараварга қайта. Рўйхатда олинган ННТнинг алоҳида бўлиналари давлат рўйхатидан ўтказишда давлат бож олинмаслиги назарда тутилган. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлар икки ой муддат ўрнига бир ой муддатда қўриб чиқилиши белгиланмоқда. Бу жараёнда таъсис ҳужжатларини нотариал тасдиқлаш ва бошқа қўшимча талаблар бекор қилинмоқда. ННТ томонидан

ҳисоботлар топшириш ва тадбирларни келишиш тартиблари осонлаштирилади. ННТ мансабдор шахслари томонидан қонун бузилиши ҳолатлари содир этилганда жавобгарлик чоралари енгиллаштирилади.

Шу билан бирга, ННТ фаолияти ва молиявий ҳолатининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасида белгиланган юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутиш қоида ННТларга жорий этилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. Бундан кейин маълум сабабларга кўра, вақтинчалик молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ННТлар фаолияти тугатилмайди, уларнинг сони қаймақини мумкинлиги ҳолатларига чек қўйилди.

Президент ҳузурида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тузилиши соҳадаги муаммоларни самарали ечишга катта имкониятлар очиб бериши кутулкимоқда.

Иззатилло ХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси гуруҳ раҳбари.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида республика идоралари, қатор вазирликлар раҳбарларига ислохотларни янада жадаллаштириш мақсадида «Наманган намунаси»ни яратиш топшириғини берган эди.

«НАМАНГАН НАМУНАСИ» ЯРАТИЛМОҚДА

«Наманган намунаси» бўйича тузилган ишчи гуруҳи томонидан вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида мавжуд муаммолар комплекс ўрганилиб, бир қисми ўша жойнинг ўзида ҳал қилинди, қолганига юқори ташкилотлар ёрдамида ечим топилмоқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбари, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ҳақрамон Қуронбоев бошчилигидаги ишчи гуруҳи Норин туманида ёшлар муаммоси билан шуғулланди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича кўмитаси раиси Жасур Акрамов ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбари, муфтий Усмонхон Алимов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи Учкўрғон туманида диний-маърифий ишлар билан танишди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбаева раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи Тўрақўрғон туманида фаолият олиб борди.

Маданият, Халқ таълими ва Мақтабгача таълим вазирликлари, Маънавият ва маърифат кенгаши қалаларидан иборат гуруҳ Косонсой туманида фаолият олиб борди. Бу гуруҳ маданий, маънавий-маърифий тарбия масалаларини таҳлилий ўрганиб, мавжуд нуқсонларни бартараф этиш бўйича аниқ ечимлар ишлаб чиқди.

Ишчи гуруҳ томонидан Норин тумани Ҳаққулбод шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган мулоқотда бандлик масаласи, янги иш ўринлари яратиш, янги бизнесни йўлга қўйиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, имтиёзли кредитлар асосида чорвачилик, паррандчилик, қуёнчилик, асаларичилик, боғдорчиликни ривожлантириш, иссиқхоналар ташкил этиш, тадбиркорларга кенг шарт-шароитлар яратиш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

— Ҳар қандай турдаги либосларни тикиш қўлимдан келади. Тикув машиналаримиз ҳам бор, — дейди **Пастки Чўжа маҳалласидан тадбиркор Алёербек Олимов.** — Фақат бизнесимизни қандай ривожлантиришни билмаймиз. Буюртма олак-да, шогирдларим билан маҳсулот етказиб берсак.

Алёербек шу ернинг ўзида Ёшлар иттифоқи учун 1000 дона футболка тикиб беришга буюртма олди.

Тадбиркор Нодирбек Мирзаев Норин дарёси бўйида тош майдалайдиган дастгоҳ олиб келиб ўрнатди, Даврон Собиров Халқ банки туман бўлимининг фойдаланилмай турган биносидан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб

чиқарувчи кичик цех очиб иста-гиди эканини билдирди. Яйдоқ маҳалласида яшовчи Илҳом Саидхамомовнинг ёғочни қайта ишлаш ва ўймакорликни ривожлантириш бўйича кредит сўраб қилган мурожаати шу жойнинг ўзида ҳал этилди. Мебелсоз тадбиркорлар Зухриддин Лутфуллаев, Алишер Ўминовларнинг устакхона учун жой ажратиш бўйича мурожаатлари амалий ечим топди. Мурожаат қилганларнинг ақсариётида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш мақсади устувор.

Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Лаиз Тангриев, директор Ўминовларнинг устакхона учун жой ажратиш бўйича мурожаатлари амалий ечим топди. Мурожаат қилганларнинг ақсариётида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш мақсади устувор.

Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Лаиз Тангриев, директор Ўминовларнинг устакхона учун жой ажратиш бўйича мурожаатлари амалий ечим топди. Мурожаат қилганларнинг ақсариётида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш мақсади устувор.

Диний-маърифий соҳа вакиллари Учкўрғон туманида Президент авфи муносабати билан оилалари бағрига қайтган ҳамюртларимиз билан мулоқот ўтказиб, муаммоларни жойида бартараф этди.

Азизбек Тўлаков Қўғай қишлоғининг Истиқбол маҳалласида яшайди. Ҳозир 31 ёшда. 2013 йилда Россияга ишлагани борган. Санкт-Петербургда, қурилишда ишлаб юриб, галамисларга дуч келган. Бир-икки уларнинг сўхбатида бўлган. Очиги, ўшанда ҳам бузғунчиларнинг асл мақсади нималигини тушунмаган. Қишлоқнинг оддий боласи эди-да. Ватанга қайтгач, тегишли идоралар томонидан Азизбек ва у билан бирга бўлганлар аниқланиб, 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Президентимизнинг авф этиш тўғрисидаги фармони билан Азизбек ҳам кўплар қатори оиласи бағрига қайтди.

— Авф этилганлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланингизми? — сўраймиз Азизбекдан.

— Президентимиз менга энг катта имкониятни — озодлиқни берди. Бундан олтига бўлади-ми? «Мезон ризо» фермер ҳўжалигида ишлайман, томор-қам бор. Яқинда уйланаман. Ҳақмаси изга тушиб борапти. Қўғай қишлоғининг Муста-

қиллик кўчасида яшовчи Бекзод Дадамирзаев, шу қишлоқдан Акрамжон Абиловлар ҳам Азизбекка ўхшаб ота-оналарига етказган руҳий жабрларини эслашди, надомат чекишди.

Ишчи гуруҳи тумандаги мавжуд масжидлардаги шароитларни яхшилаш, 58 та қабристонни обод қилиш юзасидан ҳам чора-тадбирлар белгиланиб, иш ташкил этилди. Қабристонларда оммавий ҳашарлар бошлаб юборилди.

Тўрақўрғон тумани ҳудудидаги маҳаллаларда хонадонма-хонадон юриб хотин-қизларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларга муносабатини, оила илми, рўзгор илмини амалий тақомиллаштиришдаги иштироки ва тарбия ишидаги ибратини ишчи гуруҳ таркибидида Адлия вазирлиги, Оила илмий-амалий маркази вакиллари ўрганди.

— Мақсадимиз — хотин-қизлардаги табиий ижтимоий қобилиятини тўла юзага чиқариш, — дейди **ишчи гуруҳ аъзоси, Адлия вазирлиги ходими Камбарали Меҳмонов.**

— Ота-боболаримиз азал-азалдан хотин-қизларга меҳр-муҳаббатли муносабатда бўлишган. Бунинг асоси улардаги рўзгор парварлик, оилаларарлик фазилатларининг устуворлигидир. Ниҳоят муқаддаслиги, фарзандларимизнинг тўлақонли шахс сифатида шаклланиши билан «Боглик, муҳофаза, меҳнат, ҳиссия, қонун ва қонуности ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар бўйича дастлабки ўрганишлар бу борада алоҳида «Йўл харитаси» ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Косонсой туманида 3-ва 4-болалар муқима ва санъат мактаблари жойлашган. Уларда умидли ёш истеъод соҳиблари тарбияланмоқда. Ишчи гуруҳ аъзолари ҳар икки муассасада бўлди. Аҳоли билан юзаси-юз мулоқотлар ўтказилди.

— Маҳаллаларда кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, жойларда очик саҳналар ташкил этиш ва улар орқали халқ орасидаги истеъодларни юзага чиқариб, рағбатлантириш масалалари ишчи гуруҳ эътиборида, — дейди **республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Алишер Қодиров.**

Республика ишчи гуруҳининг хонадонма-хонадон юриб, аҳолини қийнаётган масалаларни ҳал этиши «Наманган намунаси»нинг мамлакат бўйлаб кенг қулоқ ёйишдан далолат беради.

Носиржон ДЕКХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ БЎЙИЧА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Жаҳон банкининг Бошқарув кенгаши 2018 йил 30 январда «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» (Кўшимча маълумотлар) 2- лойиҳасини тасдиқлаган эди. Мазкур лойиҳа Жаҳон банки гуруҳига қирувчи Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобидан амалга оширилган.

Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи доирасида 2018 йил 17 май кунини Вашингтон шаҳрида ушбу лойиҳа бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки билан кредит битимини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

2018 йилнинг 24 майида Жаҳон банкининг Тошкентдаги офисида ушбу лойиҳада иштирок этувчи республика тижорат банклари билан халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланди.

Лойиҳанин учинчи босқичида катта, кичик ва ўрта саноат корхоналарини энергия тежовчи технологиялар билан таъминлаш мақсадида инвестиция-жалб қилиш, қўшимча молиялаштиришни таъминлаш ва техник ёрдам орқали уларнинг энергия самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Саноат ишлаб чиқаришида кичик ва ўрта корхоналар (асосан, ҳусусий сектор ташкил этиди) нинг улуши 2000 йилдаги 12,9 фоиздан 2016 йилда 45,3 фоизга ўсди.

Кичик ва ўрта корхоналар, одатда, унча эскирмаган ишлаб чиқариш ускуналарига эга. Бироқ қурилиш материаллари, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби энергия талаб қилувчи тармоқларда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта корхоналардаги энергияни оптикча миқдорда истеъмол қилувчи ишлаб чиқариш жараёни унинг модернизациясини талаб этади. Бу эса, ўз навбатида уларнинг рақобатбардорлигини оширишга ёрдам беради.

— Эски ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёниларини модернизация қилиш мамлакатдаги корхоналарнинг рақобатбардорлигини ошириш учун жуда муҳимдир — дейди **Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори.** — Энергия тежайдиган ускуналарни ишлаш ва хизмат харажатларини камайтиришга, самарадорлиқни оширишга ва энергияни камроқ ишлатиш туфайли пул маблағларининг тежайишига ёрдам беради. Шунингдек, у иқлим ўзгаришининг оқибатларини юмшатиш имконини яратди. Жаҳон банки ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали Ўзбекистондаги саноат корхоналарида энергия самарадорлигини қўллаб-қувватлашни кенгайтирмоқда.

Учинчи босқичга йўналтирилган инвестициялар 386 гигаваат соат энергияни тежай ва йилга 799 минг тонна карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтиришни кўзда тутди.

Обиддин МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КИТОБ — ИНСОНиятнинг энг муҳим кашфиёти

Бу кашфиёт келажакда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмайди

Ижодкорлар, ноширлар, матбаачилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам шу ерда. Йўлнинг икки томонидан турли наشريётларнинг китоб кўргазмалари ва стендлари ўрин олган.

— Бу йилги китоб байрами ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланган ҳолда ўтапти, — дейди **Ўзбекистон китоб байрами** — Мен истардимки, тадбир атайин ташкил этилган икки кунлик байрамдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Йил 12 ой биз учун китоб байрами бўлиши керак, китобни нондай, сув ва ҳаводай азиз билишимиз лозим. Бугунги тадбир қайтадан қайтган қадриятларимизнинг яна бир нишониси. Бир пайтлар жуда кўплаб маданият-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинган Сайилгоҳ кўчаси яна ўз ўзанига қайтди, маърифат-маънавият гўшасига айланди.

— Китоб байрами Сайилгоҳ кўчасида ўтказилишини эшитиб, кизимни олиб келдим, — дейди **Зангиота туманидаги 44-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ирода Илхомжонова**. — 12 нафар ўқувчимиз китоб байрамига олиб келдим. Уларнинг хурсандчилигини айтмайсизми? Ўқувчиларимизга таниқли шоир ва ёзувчилар дастхати қўйилган китоблар совға қилинди, қизиқarli эртак китоблар олдик.

1-синф ўқувчиси **Муслима Махмуджонова** бизга ёдлаган шеърини ўқиб берди: — Сунбулада сув тиник, Қўл-бетингиз юв, чиник. Қиш келар, деб эринма, Менга ирқит кўринма. Яширмайман бу сирни, Ўқирмайман кир-чирни! — Китоб орқали бизга бир неча минг йиллик тарихи етиб келган, — дейди **Гафур Фулом** номидаги адабиёт ва санъат наشريёти бош муҳаррири, **Ўзбекистон китоб байрами** — Китоб — инсониятнинг энг муҳим кашфиёти бўлган ва келажакда ҳам бу ўз қадр-қимматини йўқотмайди. Китоб ёзишда дастлаб папируслардан фойдаланилган. Кичик Осиёдаги Пергам шаҳрида эразмиздан олдинги II асрда мол терисидан ёзув қоғози тайёрлаш йўлга қўйилган ва у пергамент деб аталган. Демак, инсоннинг ҳақиқат китобга эҳтиёжи бўлган ва бу эҳтиёж ҳозир ҳам сўнгган эмас. Китоб — билим манбаи, тафаккур чароғи, инсон руҳиятининг озукасидир.

— Бундай тадбирда биринчи бор қатнашганим, — дейди **Харбий хизматчи Фарҳод Рўзиев**. — Илгари фақат китоблари орқали билган жуда кўплаб шоир-ёзувчиларни кўрдим, улар билан танишдим, дастхатлар олдим. Қизиқиб кетиб, анча китоб харид қилган эканман, бундан барибир хурсандман.

— Ёзувчи ва шоирлар билан учрашган ёшларни, китоб тўла расталарни томоша қилаётган ўқувчиларни кузатиб, кўнглим ифтихорга тўлди, — дейди **шоир Мелижон Саидов**. — Демак, ҳали халқимизнинг китобга бўлган ихлоси, иштиёқи баланд экан. Ота-она китобни қадрлайдиган хонадонда фарзандлар ҳам уларнинг изидан боради,

ахборот-ресурс марказлари фаолияти йўлга қўйилган.

2018 йилнинг ўтган даври мо-байнида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда унинг тизимидаги наشريёт-матбаа ижодий уйлари томонидан бир қатор мактабгача таълим муассасалари, мактаб кутубхоналари, билим юрталари ва бошқа таълим-лотларга китоб ҳамда китоб маҳсулотлари беғараз тақдим этилди.

— Мен бошланғич синф ўқувчиларига дарс берман, — дейди **Зангиота туманидаги 44-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ирода Илхомжонова**. — 12 нафар ўқувчимиз китоб байрамига олиб келдим. Уларнинг хурсандчилигини айтмайсизми? Ўқувчиларимизга таниқли шоир ва ёзувчилар дастхати қўйилган китоблар совға қилинди, қизиқarli эртак китоблар олдик.

1-синф ўқувчиси **Муслима Махмуджонова** бизга ёдлаган шеърини ўқиб берди:

— Сунбулада сув тиник, Қўл-бетингиз юв, чиник. Қиш келар, деб эринма, Менга ирқит кўринма. Яширмайман бу сирни, Ўқирмайман кир-чирни! — Китоб орқали бизга бир неча минг йиллик тарихи етиб келган, — дейди **Гафур Фулом** номидаги адабиёт ва санъат наشريёти бош муҳаррири, **Ўзбекистон китоб байрами** — Китоб — инсониятнинг энг муҳим кашфиёти бўлган ва келажакда ҳам бу ўз қадр-қимматини йўқотмайди. Китоб ёзишда дастлаб папируслардан фойдаланилган. Кичик Осиёдаги Пергам шаҳрида эразмиздан олдинги II асрда мол терисидан ёзув қоғози тайёрлаш йўлга қўйилган ва у пергамент деб аталган. Демак, инсоннинг ҳақиқат китобга эҳтиёжи бўлган ва бу эҳтиёж ҳозир ҳам сўнгган эмас. Китоб — билим манбаи, тафаккур чароғи, инсон руҳиятининг озукасидир.

— Бундай тадбирда биринчи бор қатнашганим, — дейди **Харбий хизматчи Фарҳод Рўзиев**. — Илгари фақат китоблари орқали билган жуда кўплаб шоир-ёзувчиларни кўрдим, улар билан танишдим, дастхатлар олдим. Қизиқиб кетиб, анча китоб харид қилган эканман, бундан барибир хурсандман.

— Ёзувчи ва шоирлар билан учрашган ёшларни, китоб тўла расталарни томоша қилаётган ўқувчиларни кузатиб, кўнглим ифтихорга тўлди, — дейди **шоир Мелижон Саидов**. — Демак, ҳали халқимизнинг китобга бўлган ихлоси, иштиёқи баланд экан. Ота-она китобни қадрлайдиган хонадонда фарзандлар ҳам уларнинг изидан боради,

теран дунёқарашга эга бўлади. Ўз йўлидан адашиб, турли оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшлардан сўранг-чи, уйда китоб бормикан, ота-онаси унинг қўлига китоб берганмикан? Ҳамма адабиётлар, касофатлар билимсизликдан, оқ-қорани танимасликдан келиб чиқади.

Бугунги байрам — маънавият-тимиз даражасини белгилайди. Қаранг, одамлар китоб расталаридан бери келмаяпти, ҳамма китоб сотиб олаяпти. Мен ҳам невараларимга турли эртак қаҳрамонлари суратлари чизилган шеър ва эртак китоблари харид қилдим. Улар роса хурсанд бўлишди.

Китоб байрамида шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида мушоиралар, адабий учрашувлар уюштирилди. Танлики санъаткорлар, Ёш томоша-бинлар театри, Қўғирчоқ театри, турли болалар санъат гуруҳлари ўз томоша ва концерт дастурларини намойиш этди.

«Энг яхши китобхон оила», «Энг яхши китобхон» сингари ви-кториналар ўтказилиб, голибларга совға-саломлар берилди. «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзусида ижтимоий сўровлар ўтказилди. «Машҳурлар китоб ўқийди» шiori остида ўзбек эстрада намояндалари, театр ва кино актёрлари, спорт усталари билан учрашувлар ташкил этилди. «Энг фаол иштирокчи», «Энг яхши стенд» номинациялари бўйича алоҳида ўрнатилган наشريётлар, ижодий уйлари ва матбаа корхоналари рағбатлантирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда китоб савдоси билан шуғулланаётган тадбиркорлар ўртасида ташкил этилган «Намунали китоб дўкони» танловининг вилоят босқичи голиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Энг гўзал манзаралардан бири Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон атрофига йирилган жажжи кичкинтойларга ўз шеърларидан ўқиб бергани бўлди. Иккинчиси, талабалар, ўқувчилар, мухлислар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевдан ўзлари сотиб олган китобга дастхат ёздириб олиш учун навбатда турди...

Тадбирнинг очилиш маросимида Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Лазиз Тангриев, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожидин Сайид ва бошқалар сўзга чиқиди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинган Сайилгоҳ кўчаси яна ўз ўзанига қайтди, маърифат-маънавият гўшасига айланди.



Савдо ШОУТЛУАНОВ ва (USA) олган суратлар.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ичимлик суви

муаммоси:

чучук ер ости сувлари участкаларини қидириб топиш муҳим аҳамиятга эга

Республика Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда 97 та ер ости суви конлари аниқланган бўлиб, улардан 19 тасининг ҳосил бўлиш зонаси қўриқланадиган табиий ҳудудлар тоифасига киритилгани таъкидланди.

— Сўнгги йилларда республика-мизнинг сув танқис жойларида аҳолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси ўринбосари Ботир Абдуллаев**. — Ҳозирги пайтда 69 та шахар, 335 та посёлка ва 2 902 та қишлоқ аҳоли пункти эҳтиёжлари ер ости сувлари захиралари ҳисобига қондирилмоқда. Яна шуни айтиш мумкинки, ер ости сувларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва уларни ҳисобга олишни йўлга қўйиш, камайиб кетиш ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш ҳамда республикамиз аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Президентимизнинг «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқил-на фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди. Ўшбу қарор асосида ичимлик суви таъминотини ри-вожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш белгиланган.

Тадбирда ер ости сув ресурслари ва захираларининг ўзгаришини башоратлаш, техноген босим таъсири кучайиши ва ер ости сув конлари ҳосил бўлиши шароитини ҳисобга олган ҳолда, ер ости ичимлик суви конларининг ҳозирги ҳолатини ба-ҳолаш ишлари таҳлил этилди. Янги, истиқболли чучук ер ости сувлари участкаларини қидириб топиш, қон-ларга салбий таъсир кўрсатувчи манбаларни аниқлаш, чучук сув захира-лари ҳолатини мониторинг қилишнинг оптимал тармоғини ишлаб чи-қиш каби масалалар борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЭЪЛОН

КОРХОНА ВА ТАШКИ-ЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши кўрак нишони — 5 минг дона ҳамда байроқча — 300 дона - тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этишни истаган корхона ва ташкилотлар 2018 йилнинг 12 июнь кунига қадар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига ўз таклифлари билан мурожаат этишлари сўралади:

100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3.

Тел: (99871) 239-83-12,
факс: (99871) 239-13-20

БҲҲҲҲ	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+25	+30
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+27	+32
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+27	+32
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+27	+32
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+25	+30
Тошкент шаҳри	+27	+29

ЭЪЛОН

Барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ШҮРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ» МЧЖ

мажмуада ташкил этиладиган оммавий-маданий тадбирларни безаш ишлари бўйича 2018 йил

1 июндан 10 июнга қадар очиқ танлов ўтказилади:

- табиий ва сунъий гуллардан бадий композициялар тайёрлаш ишлари;
- шарлар (гирлянда, гелий шарлар) ёрдамида безаш ишлари;
- пневмошакллар ижараси;
- тутун, пуфак ва рангли қоғоз ускуналари ижараси;
- монитор ва проекторлар ижараси.

Танлов шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан мажмуанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти (www.sgcc.uz) орқали танишиш мумкин.

Тижорат таклифлари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Ғузур тумани, Шўртан қўрғони,

«Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ.

Факс: (0375) 552-40-16. Электрон почта: sgcc@sgcc.uz

Маълумот учун телефон: (0 375) 552-41-12

Барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ШҮРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ» МЧЖ

мажмуада ташкил этиладиган оммавий-маданий тадбирларни бадий безаш ишлари бўйича 2018 йил 1 июндан 10 июнга қадар очиқ танлов ўтказилади:

- рассомчилик ишлари;
- ҳайкалтарошлик ишлари;
- саҳна декорацияси ва реквизитлар яшаш ишлари;
- тасвирий санъат асарларини чизиб ишлари.

Танлов шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан мажмуанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти (www.sgcc.uz) орқали танишиш мумкин.

Тижорат таклифлари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Ғузур тумани, Шўртан қўрғони,

«Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ.

Факс: (0375) 552-40-16. Электрон почта: sgcc@sgcc.uz

Маълумот учун телефон: (0 375) 552-41-12

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538. 11339 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:50.

Topshirilgan vaqti — 22:15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbetchi:
Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6